

ТОМОРҚА: томири сувда, қарови қўлда бўлсин!



— ШУНДАЙ замонлар бўлдики, ўз далаларимизга ўзимиз эгалик қилмадик, ҳосилдор ерларимизга ўзимиз билиб, битта уруғ қадамадик. Бунга йўл ҳам, имкон ҳам йўқ эди. Фақат ўзгаларнинг топширигини бажардик, улар айтса, агар мавжуд бўлса, кафт-деккина томорқамизгача уларнинг айтганини эдик, дея, гурунг қилади отам мустақилликдан олдинги йилларни ёдга олиб. Дарҳақиқат, ўша машъум йилларнинг аламини ота-боболаримиз тортди. Уларнинг қаддини фақат келажакка бўлган илинж тутиб турганини бот-бот таъкидлайди.

Ана шундай паллада юрт раҳбари этиб тайинланган мустақиллигимиз асосчиси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ўлкамиздаги вазиятни ўнглаш, юрдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун бир ярим миллиондан кўпроқ оиллага қўшимча ер ажратилгани, 700 минг оиллага янги томорқа ерлари берилганини бугун барчамиз яхши эслаймиз. Истиқлол йилларида бу борадаги ишлар кўламини кенг тус олди.

Жумладан, мамлакатимизда фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳамда томорқа ер эгалари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида ушбу соҳада ўз ечимини кутиб турган масалаларни бугунги кун нўқтаси назардан қайта кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 октябрда “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга қаратилган устувор, ҳаётий, одамларнинг яшаш тарзига мутлақ ижобий таъсир қиладиган вазифалар белгилаб берилди. Мазкур Фармон ижросини тўлиқ ва сифатли ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам қабул қилинди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа эгаларига барча шарт-шароитлар яратилди. Уларнинг фаолиятига ҳуқуқий кўмак беришининг самарали тизими йўлга қўйилди, етиштирган маҳсулотларнинг керагидан ортигини

сотиб фойда кўриши учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратилди.

ТОМОРҚАДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

— Ҳар йили иссиқхонадан 30 миллион сўм атрофида соф фойда олаёلمиз, — дейди тажрибали деҳқон Навоий виллоятининг Қизилтепа туманидаги “Башир” маҳалласида истиқомат қилувчи Завқиддин Самадов. — Бундан ташқари, рўзгор учун керакли бўлган мева-сабзавотлар ўзимизда етиштирилади. Бозордан деярли сотиб олмаёلمиз.

Маҳалладаги боғбонлар лимон етиштириш бўйича ҳам яхшигина тажриба тўплашмоқда. Аҳлиддин Самадов шахсий томорқасининг 3 сотихида лимончария ташкил этиб, 40 тупдан ортиқ кўчатдан мўл ҳосил олмақда.

— Бир дарахт ўртача 20-30 килограммга мева беради, — дейди А.Саматов. — Бир ойдан сўнг ҳосилни йиғиб, бозорга олиб чиқамиз. Ҳар йили 30 миллион сўм атрофида даромад кўраётганимизни ҳисобга олсак, томорқа бемалол бир рўзгорни ҳар томонлама таъминлайди! Қишлоғимизда томорқа маданиятининг юксалишида Суннатилла Бозоровнинг ҳиссаси катта. У етиштирган кўчат, ниҳоллар билан деҳқонларни таъминлайди, агро-техник тадбирларни амалга оширишда кўпчиликка бош бўлиб келаяпти. Унинг тавсияси билан лимон орасига кўчат экиди. Қиш давомида дастурхонимиздан ош кўклар аримайди!

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Бахтиёр Ҳамдамов ҳам ишбилармон миришкорлардан. У 3,5 сотих ерда 800 туп помидор кўчати парвариламоқда. Кеч қузда ўтказилган ниҳоллар айни пайтда ҳосилга кирган бўлиб, ҳадемай пиши етилади. Тадбиркор деҳқон фақат иссиқхона билан чекланиб қолмасдан, хонадонда чорвачилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўйган. Товуқ, қурка кўпайтириб, оила ахтиёжидан ортиқча маҳсулотларни бозорга чиқариб, яхши-

гина даромад олмақда. 2 сотих майдондаги шафтоли, олма, ўрик, гилос дарахтлари ҳар йили мўл ҳосил бераётди.

Меҳнатимиз даромадига фарзандларимизни ўқитдик, автомобиллар олдик, дўкон, уй-жой тикладик. Ҳукуматимиз қишлоқ аҳолиси учун жуда катта имкониятларни яратиб берган. Меҳнатдан қочмаган, иш билган одам кам бўлмайдди.

Маҳаллада ҳар учинчи хонадонда иссиқхона бунёд этилган. Улар томонидан ички бозорга бир мавсумда 80 тоннагача мева-сабзавот етказиб берилаяпти. Албатта, бу ютуқлар замирида ҳукуматимиз томонидан томорқа маданиятини юксалтиришдаги ислохотлар самараси, иштиёқ ва меҳнат турибди. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан иссиқхоналар учун қўмак берилди, маҳаллий ўғит, зараркунданларга қарши махсус кимёвий дори воситалари етказиб берилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Зариповнинг айтишича, томорқадан яхши фойда олаётган оилаларнинг 60 фоизидан енгил автомобиль бор. Зеро, ердан барака топаётган меҳнаткашларга ҳавас қилиб яшаган кам бўлмайди.

ЎГИЛ УЙЛАНТИРДИК, ҚИЗ ЧИҚАРДИК, УЛОВ ҲАМ ОЛДИК



Маълумки, Фарғонада томорқадан унумли фойдаланиш, шу орқали аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш борасида ўзига хос мактаб яратилган.

Тизимда Давлат хизматлари агентлиги: БУ БОРАДА КЎП ЎЗАЯПМИЗ, КЎП ГАПИРАЯПМИЗ. СИЗ БУ ҲАҚДА НИМА БИЛАСИЗ?

ҲАР биримизнинг давлат идораларига кўп ишимиз тушади. Сир эмас, бу жараёнда узундан-узун навбатлар, асаббурларик, сарсонгарчиликларга дуч келинади. Ушбу овозгарчиликка чек қўйиш учун давлатимиз раҳбари томонидан “давлат-фуқаро” муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишининг янги концепцияси илгари сурилди.


Бу жараёнда янги ташкил этилган Давлат хизматлари агентлигига бир қатор вазифалар юклатилди. Улар:

- аҳолига барча хизматларни бир жойда кўрсатиш;
- тезкор, қулай, шаффоф ва сифатли хизмат кўрсатиш;
- навбатда туришларни кескин камайтириш;
- сарф-харажатларни тежаш;
- сансалорликнинг олдини олиш;
- халқни давлат идораларидан рози бўлишига эришиш;
- қимматли вақтни тежаш.

Давлат хизматлари марказлари орқали қандай хизматлар кўрсатилмоқда?

- аҳолига 46 минг 380 дан ортиқ давлат хизмати кўрсатилди;
 - замон талабларига мос равишда 37 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда;
 - биринчи апрелдан хизматлар сони 50 тага етказилди;
 - тузилганлик ҳақида гувоҳнома ҳужжатини расмийлаштириш;
 - болаларни мактабга таълим муассасаларига жойлаштириш ҳужжатларини расмийлаштириш;
 - дори воситалари чакана савдоси билан шуғулланиш учун рухсатнома бериш;
 - ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисида рухсатнома бериш;
 - ипотека тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун рухсатнома бериш;
 - табиий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини лицензиялаш;
 - электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш;
 - қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш ва бошқалар.
- Бугунги кунда:
- 65 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди;
 - 7000 та сайёр қабул ўтказилди;
 - ёшлар ва ишбилармонлар билан жами 14 719 маротаба учрашув ташкил қилинди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири



“ХОРАЗМДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” акциядорлик жамияти аввалги мавсум арафаси Хоржа туманидаги “Ғолиб” фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, унинг талаблари бажарилган тақдирда етказиб берилган дон ҳосили учун тегишли ҳақни ўз муддатида тўлаш мажбуриятини зиммасига олди. Фермер хўжалиги ушбу мажбуриятни бажариш учун барча чораларни ишга солди. Натижанда, далаларда шартномадаги мажбуриятни удралдидиган даражада ҳосил етиштирилди. Фермер уни теъда акциядорлик жамияти омборхонасига элтиб топширди. Шартнома талаблари фермер хўжалиги томонидан тўла адо этилди. Шартномавий мажбуриятни бажариш навбати энди дон маҳсулотлари корхонасига етди. Афсус, корхонадагилар пинак бузишмади. Фермер хўжалиги шартномавий ваъдасини бажарса-да, корхона уни бажаришга шошилмади. Хўжалик раҳбари Ғолиб Юсупов ўзига тегишли 2,4 миллион сўм пулни

ундириш юзасидан мутасаддиларга кўп бора мурожаат қилди. Таассуф. Бундан ҳам наф чиқмади. Сўз суботи иш билан қуркам эканлигини мутасаддилар буткул унуттишди. Шундан сўнг фермер минг бир истихола билан виллоят адлия бошқармасининг “Ишонч телефони”га мурожаат қилди. Анча вақтдан буён битмаган иш телефон орқали қилинган мурожаатдан сўнг ечим томон йўл тутди. Масалани тезликда ўрганган бошқарма ҳуқуқшунослари, фермер ҳақ деган хулосага келишди. Акциядорлик жамияти раҳбарлари номига йўлланган огоҳномадан сўнг масала узиб-кесилб ечим топди. Фермер хўжалигига тегишли 2 миллион 364 минг сўм пул ўз эгасига етказиб берилди.

Дониёр МАШАРИПОВ,
Хоразм виллоят адлия бошқармаси масъул ходими

Иброт “Тўйга 120 КИШИНИ тақлиф қилдик: ҳам ихчам, ҳам чиройли бўлди”



ЯҚИНДА интернет тармоғида Навоий виллоятдаги тадбиркор Нуриддин Ҳабибовнинг камтарона тўй ўтказганини ўқиб қолдим. У фарзандининг никоҳ тўйига бир ўз йигирма нафар меҳмонни тақлиф қилиб, айрим юрдошларимизга намуна бўлибди. Ҳаттоки, бу тадбиркор юрдошимиз тўйдан олдин ушбу тумандаги мактаб интернати жамоасига Наврўз сайлини ўтказишда ҳамийлик кўрсатган экан. Байрам тадбири давомида ўқувчиларга байрам совғалари ҳам улашибди. Шу пайтгача тўй қилаётган хонадон соҳибининг ёки келин-куёвнинг бирорта Меҳрибонлик уйига бериб, кўнгли яримларни хурсанд қилгани ҳақида хабар ўқимагандик. Аксинча, сайтларимизда музину, ЖИПларда шаҳар айланиб суратга тушаётган, тўйларига бир нечталаб хонадаларни тақлиф қилаётган юрдошларимизнинг мактов ҳақидаги хабарларга тўлиб кетган. — Худди шундай тўйда мен ҳам қатнашдим — дейди навоийлик мухбири-миз Маруса Ҳосилова. — 150 кишидан

иборат меҳмонларнинг аксарияти ёшлар — келин-куёвнинг дўстлари, тенгдошлари, яқин қариндошлардан иборат жуда ихчам тўй бўлди. Виллоят марказида салкам 300 километрик масофада ўтказилаётган тўй тантанасини виллоят “Маҳалла” жамоат фонди раиси очиб бериб, зараршонликлар ҳар бир соҳада, жумладан, тўйларни ихчамлаштириш бўйича ҳам бошқаларга намуна бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади. “Ўзбекистон 24” телеканали томонидан бу намуна тўй тасвирга олинди эфирга ҳам узатилди. Бундай тарғибот ишлари одамларга ижобий таъсир кўрсатади. Топганимиз тўйга буюрсин, дея Луқмонхон ака ҳам яхши ниятлар билан тўй бошлаб қўйди. Ўғлининг никоҳ тўйи базминни ўтказиш учун тўйхонага борди. У Президентимизнинг тўйларни ихчамлаштириш борасида билдирган фикрларини инобатга олган ҳолда ихчам, камхаражат қилиб тўй ўтказиш арафасида. Аммо... У кутган натижа бўлмади. 100-150 кишига мўлжалланган тўйни ўтказишга қарор

олмақдалар. Барпо этилаётган лимонзорлардан ҳар йили мўл-кўл ҳосил олиб, оила ободлиги, юрт фаровонлигига баракали улуш қўшмоқдалар. Сайхунобод туманининг “Турон” маҳалласида яшовчи Мансурхон Султонов банк кредити эвазига томорқада иссиқхона барпо этиб, унда лимон кўчатларини етиштира бошлади.

Лимонларни ўз вақтида суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш, кўчатларга шакл бериш ишларини юксад аргротехник мuddатларда амалга ошираётган ва ишнинг кўзини билган инсон ҳар йили миллион-миллион даромад олмақда.

— Ҳар бир туп лимондан йилига 70-80 килограммдан ҳосил олаёлман, — дейди Мансурхон Султонов. — Халол меҳнат ортидан келаётган даромад туфайли оиламиз фаровон, дастурхонимиз тўкин. Топган даромадимиз эвазига янги автомобиллар олиб тўйлар қиляёلمиз, фарзандларимизга уйлар қурдик. Демокчиманки, лимонзорларга меҳр бериб, уни парвариш қила олсангиз асло кам бўлмайсиз. Унда барака кўп экан.

Сардоба туманида яшовчи Ахатқул Маматқулов ҳам 16 сотихли томорқасида иссиқхона ташкил этиб кам бўлмади. Иссиқхонада парваришланаётган лимон дарахтлари хонадонга кўт-барака олиб келмоқда.

Иссиқхонадаги ҳар бир қарич ер эътиборда, дейди хонадон соҳиб. Ердан унумли фойдаланиб, иссиқхонада помидор, булғор қалампир, қашниқ, укроп кўчатлари етиштиришни ҳам йўлга қўйганмиз. Улар эса доимо харидордир.

Туманда томорқасида иссиқхона ташкил этган оилалар саффи тобора кенгаймоқда. Ибратлиси, уларда етиштирилаётган арзон, сара ва сифатли маҳсулотлар барчага манзур бўлмоқда. Энг қувончлиси, худудда аҳоли бандлиги таъминланиб, оилаларнинг фаровонлиги юксалмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН

Ҳа, яхши гап яхшида. Меҳнат қилиб, ўз аравасини ўзи тортаётган инсонни қанча мақтасанг арзийди. Аслида у инсон мактовга ҳам муҳтож эмас, қилаётган меҳнатини оиласи фаровонлигида, фарзандлари камолида кўради. Аммо бизнинг уларни эътироф этишдан мақсадимиз айрим қаровга муҳтож бўлиб турган томорқа эгаларини ҳам инсофга чақириб, “Ер меники хоҳласам эканман, хоҳласам шундайлигича туради”, қабилада иш тутаётган томорқа эгалари ҳам, балки бундан тўғри хулоса чиқарса, не ажаб...

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири.

(Мақола худудий мухбирлар ҳамкорлигида тайёрланди.)

МУАММОГА ДУЧ КЕЛДИНГИЗМИ? САВОЛ ЙЎЛЛАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Ушбу лойиҳа Адлия вазирлигининг "HUQUQIY AXBOROT" телеграм канали билан ҳамкорликда тайёрланди.



— **МЕН нотариусга бордим. Унинг соат 9:00 да ишга келиши белгиланган. Нотариал идорада одам кўп. Соат 10:00 гача кутдим. Нотариус ҳокимиятга мажлисга кетганлигини айтишди. Бундай пайтда унинг ўрнига бошқа бир нотариус ишлаб турса бўлмайдими? Узи нотариусни ҳокимиятга йўғилишга чақирдишлари тўғрими?**

Ж.РАҲМАТОВ,
Тошкент вилояти

— Давлат нотариал идораларида иш вақти жадваллари ҳудудий адлия бошқармалари томонидан тасдиқланади. Унга кўра, давлат нотариал идораларида иш вақти ҳафтага беш кундан иборат бўлиб, соат 9:00 дан 18:00 гача деб белгиланган.

Меҳнат кодексининг 229-моддасига асосан ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомилийида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий ҳулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланган.

Афсуски, турли ташкилотлар ёки ҳокимликлар томонидан ўтказилаётган мажлисларга нотариусларнинг ҳам жалб қилиниши ҳоллари учрамоқда. Натижада, нотариал идорада навбат кўпайиб, норозилик ҳолатлари кузатишмоқда. Нотариуслар ортиқча йўғилишлардан овоз қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Нодир ТИЛЛЯЕВ жавоб берди.

— **УЙИМИЗГА яқин жойда тарихий "Киткон тепа" тепалиги бор. Тадбиркорлик йўлида ушбу тепалик ҳудуди ён атрофида хизмат кўрсатиш шохобчаси очсам, банкдан кредит олсам, ушбу тепаликни муҳофаза қилсам, бўладими? Агар шу ишга кўл урсам ушбу объектни (яъни, "Киткон тепа") банкдан оладиган кредитим таъминоти учун гаровга қўйсам бўладими?**

Н.МИСРАЛИЕВ,
Фарғона вилояти

— Йўқ, мумкин эмас. Сабаби, сиз айтган айнан ўша объект қонунчилигимизга кўра тарихий, бадий ёки ўзга маданий қимматлиги тўғрисида гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган археологик объектлар рўйхатига киритилган. Тўлиқ маълумот билан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 декабрдаги 335-сон қароридан танишишингиз мумкин.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Азиза ҲАКИМОВА жавоб берди.

— **ТУРМУШ ўртоғим билан умумий рўзгоримиз давомида орттирган мол-мулкни (қўшимча квартирамизни) эрим ўз уқасига ҳада қилишмоқчи. Бунинг тартиби қандай бўлади, аниқроқ, меннинг улушим нима бўлади, бунга розилигим талаб қилинадими?**

Ф.КОМИЛОВА,
Тошкент вилояти

— Қонуний эр-хотинлик умумий биргаликдаги мулкни вужудга келтиради. Суларингиздан ўртада никоҳ шартномаси мавжуд эмас. Яъни, ҳар бирингизнинг улушингиз аниқ белгилаб қўйилмаган. Фуқаролик кодексининг 225-моддасига кўра, биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги қилишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргалашиб эгаллик қилдилар ва ундан фойдаланадилар. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади. Бу ҳол мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги барча битимларга (сотилиш, ҳада қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш каби) тааллуқлидир.

Демак, сизнинг қарорингиз Фуқаролик кодексининг 505-моддаси тартибда ҳада қилиш мумкин. Унутманг, ҳада текин амалга оширилади.

Саволга Сирғали туман 4-сон давлат нотариал идораси нотариуси Наргиза МУҲАММАДИЕВА жавоб берди.

— **ЙЎЛДАН телефон топиб олдим. Сим картаси йўқ экан. Эгаси ноъмаълумлиги тўғрисида нима қилсам бўлади, ҳуқуқий маслаҳат берингиз?**

С.ОЧИЛОВ,
Тошкент шаҳри

— Йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Гузалхон ЭРҒАШЕВА жавоб берди.

"Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРҒАШЕВА тайёрлади.

— **МЕН Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи кенгаши қошида 8 ёшдан 19 ёшгача бўлган болалар учун инглиз тилини ўраатиш курсларини очмоқчиман. Бу борада солиқ қонунчилигида бирон имтиёз белгиланганми?**

Л.АЗИЗОВА,
Тошкент шаҳри

— Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан овоз этиш белгиланган, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизи Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Саволингизга тўлиқ маълумот олиш учун "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармон билан танишиб чиқишингизни тавсия қиламиз.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Бобур КАРИМОВ жавоб берди.

— **ИШЛАБ чиқариш корхонаси раҳбариман. Ўзим етиштирган маҳсулотларни жойлаштириш учун ҳудудимиздаги кинотеатрдан унинг ертўла қисмини ижарага олгандим. Бир ойдан сўнг истиш маъсуми бошланиб, канализация қурулиши носоғлиги тўғрисида ертўладан сув босди ва мен 37 миллион сўм миқдорда моддий зарар кўрдим. Кинотеатр маъмуриятдан зарарни қоплашни талаб қилсам, бу талабни бажаришдан бош тортиди. Уларнинг айтишича, ертўла меннинг эгаллигимда ва фойдаланишимда бўлган, кинотеатр ушбу қурулгларнинг носоғлиги учун жавобгар эмас эмиш. Ушбу масалада ҳуқуқий тушунтириш берсангиз?**

А.ТОЖИЕВ,
Тошкент шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 542-моддасига кўра, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишига тўлиқ ёки қисман тўққинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгардир. Бундай ҳолда сиз ўз хоҳишингизга кўра, ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текнига бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган харажатларни қоплашни талаб қилишга; ижарага берувчини олдиндан оголантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлар суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга; шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳаққисиз.

Аммо қонуннинг яна бир талабига кўра, шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созлигини текширганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайдир.

Бундай шартномавий муносабатлар тарафларнинг эркиндасидан келиб чиқади. Алдаш, зўрлик, қўрқитиш аломатлари юз берса, шартнома суд томонидан сизнинг даъво талабингиз бўйича ҳаққий эмас, деб топилиши мумкин. Яъни, мазкур ишнинг якуни иш юзасидан исботлаш таваккалчилигида ким ғолиб чиқишига боғлиқ.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Ўткир ҲОЖИБОЕВ жавоб берди.

— **ЯҚИНДА тоғамнинг машинасини маст ҳолда бошқариб кетаётганимда йўл патрүл хизмати ходимлари томонидан тўхталиб, машина жарима майдонига қўйилди. Узимга эса суд томонидан чора кўрилишини айтишди. Аммо мени ҳали судга чақирдишмади. Бундай вазиятда менга суд томонидан қандай чора кўрилиши мумкин?**

А.ШАРИПОВ,
Бухоро вилояти

— Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорига жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорига жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Саволга Бухоро туман Маъмурий суди раиси Завқиддин МУЗАФАРОВ жавоб берди.

БАҲОРНИНГ бошланиши 3 март — Халқаро ёввойи табиат кўни, деб белгиланган. Бугунги космик асри даврида ер юзиде "оқ доғ"лар, яъни инсоният қадами етмаган ва ўрганмаган жой қолмагандек туюлади. Аслида ҳам шундаймикан? Халқимизда "Хосиятли ва хосиятсиз жойлар" деган ибора бор. Кўпчилигимиз бу гапга хурофот, деб эътибор бермаймиз. Хулоса қилишга шошилманг. "Аргументы и факты" газетасида тегишли тадқиқотчилар томонидан ер юзиде ҳали инсон қадами етмаган, яшаш учун ҳалокатли, ўзбекона айтганда хосиятсиз жойлар талайгина эканлиги эътироф этилган.

Она ернинг "ОҚ ДОҒ"лари




ГРЕНЛАНДИЯ — Гиперборейлар қўриқчиси

Мана шундай хосиятсиз жойлардан бири — Гренландия ўзининг ноқулай об-ҳавоси сабабли ер юзидеги "оқ доғ"лардан бири ҳисобланади. Дунёдаги энг йирик мазкур оролнинг деярли барча ҳудуди икки километр қалинликдаги муз билан қопланган. Мутахассисларнинг фикрича, музлик 110 минг ёшда. Бу ерда ҳамма қархатон қиш ҳукмрон, изғирин шамол ва қор бурони тинмайди. Шунинг учун ҳам Гренландиянинг асосий қисми ҳануз тадқиқ этилмаган. Шунга қарамай олимлар, айниқса, археологларнинг оролга қизиқиши жуда катта. Қадимий манбаларда айтилишича, музлик остида Гиперборей, деб аталувчи сирли цивилизация излари бўлиши мумкин.

Энг қизиғи, олимлар Гренландияда тош қотган пальма, магнолий, папоратник каби жанубий ўсимликларни аниқлашди. Бу эса қачонлардир бу ерда музлик бўлмаган, иссиқ ҳаво бўлган, деган фарқи тасдиқлайди. Машҳур "Nature" журналы яқинда оролдан олинган кимёвий элементлар тадқиқотининг натижасини эълон қилди. Хулоса шуки, 2,6 миллион йилдан то 11,7 минг йилгача Гренландияда музлик бўлмаган экан. Қадимги кўлэмаларга ишонадиган бўлсак, айнан шу даврларда Гиперборей мавжуд бўлган.

Урта асрлардан бошлаб Гренландия соҳилларига одамлар кўчиб келишни бошлаган. Лекин бу ерда Америка сувости кемалари ҳарбий базасини ҳисобга олганда, бир нечта кичик шаҳарчалардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

АМАЗОНИЯ — яшил дўзах ўлкаси



Ер қуррасининг энг машҳур ва ҳали ўрганилмаган яна бир бўлаги Амазонка дарёси ҳисобланади. Дунёнинг улкан сув хазвалари сирасига кирувчи Амазонка дарёси Анд тоғларидан бошланиб, Атлантик океанига бориб қуйилади. Унинг узунлиги 6 минг километр, сув ҳавзаси 7 миллион кв.км майдонни эгаллаган. Шунга қарамай дарё бўйи ҳудудлари инсоният томонидан деярли ўрганиб чиқилмаган. Бу иш ўта хатарли ва иложсиз, деб топилишининг сабаблари бир талай. Бу жойларда Амазонка дарёси ўзанидан ўзга йўл, юрадиган сўкмоқнинг ўзи йўқ. Бир неча қават ўсимликлар оламидан иборат қалин ўрмонлар беғоналар учун тўтлақ ҳалокатли. Дарё водийсидаги 60 минг турдан зиёд набобатнинг кўпчилиги заҳарли ўсимликлардир. Дарахларнинг бўйи 30 метргача етади. Амазонканинг ҳайвонот олами 2 мингдан ортққ турдаги балиқ, 1300 дан ортққ қўш тури, 400 дан зиёдор ҳашшоҳ, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвон ва 500 дан ортққ турдаги майда озиқланувчи жонотлар ташкил этади. Жаҳонда Амазонка жунглиси ҳақида кўплаб илмий ва бадий яратилган фильмлар яратилганлигига қарамай, шу пайтгача оқ танли одам унинг ичкари тубига киришини урдасидан чиқа олмайди. Шу ерлик ҳиндуларнинг айтишича, айнан ўша ерда мангў ёшлик улашувчи афсонавий Ёшдорда шаҳри жойлашган. Худди атайлаб бу мўъжизакор шаҳарни қўриқлаши керакдек, инсон ҳаёти учун энг хатарли фауналар айнан Амазонкада яшайди. Хусусан, дарахларга чирмашган турли хил сурдалуқчиларига эмас, ҳатто чирмовуқларнинг заҳари ҳам одамга ҳар қандамда ҳавф солади, жунгли ҳавосида тропик безгаги, сил, тиф каби ўлим домига тортувчи касаллик инфекциялари гужгон ўйнайди. Дарё сувиде турли ажал тўдаси урчиб ётади. Амазонка чиябўрилари, деб ном олган арташтли балиқлар санокли дақиқалар ичиде энг йирик ҳайвонни ҳам ялмай ютиб юборади.

Амазонкада яшовчи яна бир махлўқ тўмтоқбошли ақула одамхўрлиги билан донг таратган. Дарё ва унинг қирғоғида яшовчи анақондалар ҳам қонхўрликда ундан асло қолишмайди. Уларнинг 5 метргача узунлигида тана оғирлиги 30 дан 70 килогача тош босади. Жунгли ичкарисига кирган сари, қоплон, йўлбарс, пума каби йиртичлар тобора кўпроқ учраб бораверади. Амазонка жунглисининг ботқоқларида ўлжасини 1300 вольтли ток кучи билан ўлдирадиган электр илонбалиқлар яшайди. Ҳар бир ўт-ўланларнинг остида дунёдаги энг қучли заҳарга эга қурбақаларни учратиш мумкин. Тегишли соҳа тадқиқотчиларининг ҳулосасига кўра, бу қурбақалардан атиги биттасининг заҳри 1,5 минг кишининг ҳаётига нуқта қўйиш учун етарли. Хуллас, бу ерда қандам босишга журъати етган одамнинг ҳар тарафдан чанг солувчи ўлим хавфидан қутулиши анча мушкул.

Рус тилидан Фарида ҚОРАҚҮЛОВА таржимаси.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнига мувофиқ бошқарманинг 2018 йил 12 мартдаги 100-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "STATUS" адвокатлик фирмаси адвокат Салахиддинов Махсуд Сироджевчи номига бошқарма томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000264-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тасдиқланди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнига мувофиқ бошқарманинг 2018 йил 12 мартдаги 433-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "СОМУС" адвокатлик фирмаси адвокати Шарифов Гисқанд Раҳмоновчи номига бошқарма томонидан 2011 йил 13 майда берилган SA 000363-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми тўғрисидаги...

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнига мувофиқ бошқарманинг 2018 йил 12 мартдаги 433-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "АМАН" адвокатлик фирмаси адвокати Дўраев Зафар Бабақуловчи номига бошқарма томонидан 2015 йил 11 сентябрда берилган SA 000483-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисидаги...

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнига мувофиқ бошқарманинг 2018 йил 12 мартдаги 433-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "АМАН" адвокатлик фирмаси адвокати Дўраев Зафар Бабақуловчи номига бошқарма томонидан 2015 йил 11 сентябрда берилган SA 000483-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисидаги...

Наманган вилоят адлия бошқармаси жамоаси ҳуқуқшунос Нодира Жалоловага турмуш ўртоғи **Ғафуржон ЖАЛОПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ишхор этади.

Table with 2 columns: Location (e.g., Korakalpoyston, Namangan) and Notary Name (e.g., Gulnara, Nodira). It lists various notaries across different regions of Uzbekistan.

Table with 2 columns: Location (e.g., Toshkent, Chilonzor) and Notary Name (e.g., Dilfuza, Gulnara). It lists notaries in the Tashkent region.


Ҳақонни ўрганамиз

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ



ПОЛЬША
ЕВРОПАДА энг биринчи ҳисобланган Польшанинг биринчи конституцияси 1791 йил 3 майда қабул қилинган. Кейинчалик 1952 йил 22 июнда конституция қабул қилинган ва 1989 йил 29 декабрда тузатишлар киритилган, шунингдек, 1992 йил 8 декабрда кучга кирган ва қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижрочи ҳокимият ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солган "Кичик конституция" 1997 йилгача амал қилди. 1997 йил 2 апрелда янги конституция қабул қилинди. Шунинг учун ҳам 1990 йил 3 май миллий байрам сифатида нишонланиб келинади.

АНТИҚА СУД ДАЪВОЛАРИ



1991 йилда Ричард Овертон Anheuser-Busch пиво ишлаб чиқариш компаниясини судга бериб, ўн минг доллар талаб қилган. У шунча пиво ичсада, тропик пляждаги жонлар орасига тушиб қолгани учун маънавий ва молиявий зарарни қоплашларини талаб қилган. Унинг айтишича, Bud Light пивоси рекламасидаги пляж тасвирлари уни пиво сотиб олишга мажбур қилган. Аммо унинг даъвоси рад этилган.



2005 йили Остин Эйткин NBC телеканалдан икки ярим миллион доллар талаб қилган. Унинг айтишича, "Қўруқ омили" номли кўрсатув унга маънавий жароҳат ва оғриқ етказган. У ушбу кўрсатувда иштирокчиларнинг каламуш ейишларини кўриб боши айланиб, қайт қилиб юборганини таъкидлаган. Суд бу даъвони бекор қилган.

1996 йили Баерслар оиласи режиссёр Оливер Стоун, Warner Brothers кинокомпанияси ва "Тугма қотиллар" фильминини яратишда иштирок этган бошқа шахсларга нисбатан даъво кўзга ташланган. Ушбу оила кинематографларнинг Сара Эдмондсон ва Бенжамин Дэррус иштирокидаги бу фильмининг уларни ўйирликлар қилганликлари ва Пэтси Эн Баерс исми аёлга жароҳат етказганликларида асосий айбдор эканлигини билдиришган. Ушбу даъво 2001 йилда тўхтатилган.



2001 йилда Линда Сандерс ва Columbine High School мактабидаги отишма қурбонларнинг бошқа оила аъзолари фильм ва видеоўйинлар ишлаб чиқарувчи 25 та компаниядан 5 миллиард доллар тоvon пули талаб қилишган. Улар "агар Баскетболчининг кундалиги" фильми ва Doom, Duke Nukem, Quake, Mortal Kombat, Resident Evil, Mech Warrior, Wolfenstein, Redneck Rampage, Final Fantasy, Nightmare Creatures каби видеоўйинлар бўлмаганида мактабда отишма юз бермаган бўларди, шундай экан бу компаниялар тоvon пули тўласин", деган даъво билан чиқишган. Суд қарори билан бу иш ёпилган.

Болангизни асранг, у эртага сизни асрайди

СУД тугади.
Онаизор атрофга кўзлари тўла ёш билан аланглаяпти. Наҳотки, унинг фарзанди шу даражага бориб етди. Наҳот шунча пайтгача унинг бундай хатти-ҳаракатларидан беҳабар қолди.



ТАРБИЯНИНГ НЕГИЗИ...

уни оиладан излаш керак

Ҳамма ота-оналардек у ҳам ўғлини еру кўкка ишонмай, ўзи емай едирган, ўзи киймай кийдирган. Ёлғиз фарзандим ўқимасин, бировдан кам бўлмасин, деб оғзидан чиққанини муҳайё этгани. Энди одамларнинг юзига қандай қарайди. Қотилнинг онаси, деган тамгани қандай кўтариб юради.

Судда қотиллик содир этган нотаvon фарзанд узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақл бор. Ҳақиқатан, мурғак бола тили чиқмасданок оиладаги муҳит таъсирида ўсиб-ўлғаяди. Шу туйғайли бола тарбиясида, энг аввало, ота-она масъул ва жавобгар. Мамлакатимиз раҳбари ҳам "Ўз болангни ўзинг асра", деб бежиз айтмапти. Бугун айрим ота-оналар фарзандларига одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида панд-насихат бермай кўйгандек. Бу эса бола тарбияси учун салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Бир пайтлар қишлоқ қариялари маъракага кетаётган пайтда шошиб, салом бермай, уларнинг олдини кесиб ўтганимни эслайман.

Ўшанда раҳматли отам кечки овқатдан кейин мени роса койганди.

— Энди сенинг дастиндан маҳаллада ҳаммадан даки эшитаман, чоғи? Салом Худонинг қарзи. Бу нима деган гап, ахир, мен сенга шундай тарбия берганмидим? Шу-шу катта ёшдагиларнинг олдини кесиб ўтмайдиган, саломини қанда қилмайдиган бўлдим.

Бугун мамлакатимизда қанчадан-қанча касб-хунар ўргатадиган тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёшлар келгуси ҳаётида асқотадиган хунарлар ўрганиши мумкин. Кутубхоналарга бориб мутолаа қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бироқ очигини айтиш керакки, кўпчилик ёшлар касб ўрганиш ёки китоб ўқишдан кўра интернет кафеларда вақт ўтказишни маъқул кўришапти.

Баъзи ота-оналар ҳали оғзидан она сути кетмаган, турмушнинг пасту баландидан беҳабар боласига қимматбахо машиналарни харид қилиб, фалон сўм турадиган телефонларни олиб беришапти. Донишмандларнинг "Китобсиз келажак йўқ", деган фикрига амал қилиб, фарзандларини китобга ошно қилсақ, уларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси учун муҳим амалларни бажарган бўлардик. Китоб ўқиган бола жиноят кўчасига қирмайди. Энг муҳими, улғайғач ота-онанинг юзини ерга қаратмайди. Негаки, китоб беминнат маслақдosh.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири



- ҚАРЗ**
АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон ўз инаугурациясини ўтказиш учун қарз олган.
- КИТОБ**
Дунёдаги энг машҳур электрон китоб — Стивен Кингнинг "Ўқни миниб" асари.
- БОҒ**
1876 йилда Америкада Марказий истироҳат боғи очилди. Унинг майдони Монако давлатидан икки баравар катта.
- ТЕЛЕФОН**
Ҳар бир киши ҳаётининг ўртача 2 йилини телефонда гаплашишга сарфлайди.
- ГУРУЧ**
Дунёда гуручининг 15 мингдан ортиқ тури бор. Уни ҳақон аҳолисининг деярли ярми ҳар қуни истеъмол қилади.
- ЧАҚАЛОҚ**
Ватикан тарихида бола туғилиши бирор марта ҳам қайд қилинмаган.
- ТИШ ОҒРИҚ**
Қадимги юнонлар тиш оғригини ёлғончилик оқибати, деб билишган.
- МУЛЬТФИЛЬМ**
Анъанавий усулда ярим соатлик мультфильм яратиш учун 18 мингдан ортиқ расм чизиш керак.
- 10 СОНИЯ**
Соғлом одамнинг қони қуюқлашуви учун кўпи билан 10 сония етарли.
- ҲАССА**
Француз файласуфи Вольтернинг 80 та ҳассаси бўлган. Замондоши Жан Жак Руссода эса 40 та.

ЯҚИН ЎТМИШДАГИ ВОҚЕАЛАР

ТЕЗЛИКНИ оширганлиги учун йўл полицияси томонидан биринчи марта тўхтатилган шотландиялик физик — радар ихтирочиси Роберт Уотсон "Агар радардан қандай мақсадда фойдаланишларини билганимда эди, ҳеч қачон уни яратмаган бўлардим", деган экан.

Илк йўл ҳаракати қоидаларини ишлаб чиққан америкалик Уильям Фелпс Ино ҳеч қачон ўзи рулга ўтириб, машина ҳайдамаган.

Сиз яшаб турган туман ёки шаҳарда нечта светофор борлигини биласизми? Битталаб санаб чиқиш жуда қийин бўлса керак?! Қаранг-ки, аҳолиси 18 миллиондан ошди бўлган Қоҳира (Миср пойтахти)да атиги 9 та светофор борлиги қайд этилган.

1961 йилнинг 12 апрелида фазога қилган парвоздан кейин дунёдаги биринчи космонавтга айланган Юрий Гагаринга 12-04 ЮАГ (парвоз санаси ва исм шарифига мос) рақамли қора "Волга" тақдим этилган. Кейинчалик бу ҳарфлар расман Москва вилояти индексига киритилиб, қолган барча кос-

монавтларнинг машиналарига ҳам ўзларининг парвоз вақтларига мос ҳамда ЮАГ ҳарфлари қайд этилган автомобиль рақамлари топширилган.

Маълумотларга кўра, автомобиль эҳтиёт қисмларини янгидан сотиб олувчиларнинг 65-80 фоизини аёл ҳайдовчилар ташкил этаркан. Аёллар уларни тузатишдан кўра янгисини харид қилиш осон, деб билишади ёки усталарга ишонилмайди.

Тарихда қолган ёмон ҳайдовчи 70 ёшли инсон ҳисобланади. У 12 дақиқа ичида 10 та жарима олган, 4 марта қарама-қарши йўлга чиқиб кетиб, 6 та ҳалокатга сабабчи бўлган.

Энг ёмон ҳайдовчилардан яна бири сифатида қолган 62 ёшли аёл эса ҳайдовчилик имтиҳонларини 40 марта топширган.

"Инсон ва қонун" муҳбири
Мадина ҲАМДАМОВА
тайёрлади.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк

2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

"ФАОЛ ТАДБИРКОР"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 23 ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонатларни таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириши мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
"Асака" банк Бош офиси: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусовод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси тўмонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва маъмурий тўловлардан озод!
- нафис ва тасаруф ҳуқуқи ўз ичига олади!
- маълумотлари сиз сақлаётган банк кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz